

Гулсала Кўзиева

**ИСТИҚЛОЛГА
КЎЗ ТЕГМАСИН**



ГУЛАСАЛ ҚЎЗИЕВА

ИСТИҚЛОЛГА КЎЗ ТЕГМАСИН

Шеърлар


ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2016

УЎК: 821.512.133

КБК: 84(5Ўзб)7

Қ – 56

Қўзиева, Гуласал

Истиқлолга қўз тегмасин: шеърлар / Гуласал Қўзиева — Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. — 40 б.

ISBN 978-9943-27-847-9

Истеъдодлар бор экан, адабиёт боғи яшнаймади. Ниҳоллар кўкка бўй чўзиб, янги барглар, гуллар билан гўзаллашганидек, янги асарлар адабиётни бойитади.

Гуласал Қўзиева ҳам ёш истеъдодлар сирасидан. Унинг шеърларидан ёшлик шижоати, қузатувчанлик, нозик туйғулар тараннуми борки, ўқувчи ўзини ёшлик оламида тасаввур қилади.

Устозларига муносиб издош бўлишни орзулаган Гуласалнинг мазкур шеърлар тўплами адабиёт муҳибларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

Сўзбоши муаллифи

Амрулло КАРИМ

ISBN 978-9943-27-847-9

© Гуласал Қўзиева, “Истиқлолга қўз тегмасин”, “Янги аср авлоди”. 2016 йил.

ШЕЪР ЁЗИШ БАХТИ

Бугун мамлакатимизда ёш ижодкорларга катта эътибор қаратилмоқда. Улар учун яратилаётган шарт-шароитлар, имкониятларни кўриб одамнинг кўзи қувнайди. Ҳар бир инсон бу ўзгаришларга бефарқ эмас. Айниқса, ижодкор учун унинг атрофида рўй берган ҳар қандай ҳодиса, у каттами, кичикми ҳайрат уйғотади. Ҳайрат ижодий ишлар тугилишига туртки беради. Гуласал Қўзиева ўзини қизиқтирган мавзуларда шеър ва ҳикоялар машқ қилади.

Унинг ижодида Она Ватан, ёшлик, садоқат, муҳаббат мавзулари етакчилик қилади. Унинг меҳрибон онаси ҳақидаги қуйидаги сатрлари одамнинг диққатини тортмай қўймайди:

*Орзулар рўёби — бахт кошонасин,
Омад қалъасининг зар остонасин,
Ҳаловат тоғининг пиллапоясин,
Қалбим биносининг меъмори онам,
Кулфатларга қалқон девори онам...*

У онасига бўлган меҳрини сатрларда кўрсатишга интилган. Сатрлар бегубор ва самимий.

Шеърят чиройли сўз ва ташбеҳлар билан бетакрор саналади. Гуласалнинг “Лабинг соҳилига лангар ташлар кўз”, “Меҳрдан чақнайди қорачиқларинг” каби жумлалари изланишлар натижаси саналади. Ўқиш, изланишда тиним билмаётган ёш истеъдод эгасига улкан парвозлар истаб қоламиз.

Амрулло КАРИМ,
шоир, филология фанлари номзоди

САНЪАТ ФИДОЙИСИ

Устозим Гўзал Мўминовага

Қўлга олса дуторни,
Жон кирар ҳатто унга.
Чалганда Шашмақомни,
Қалб тўлар зиё, нурга.

Бир ажойиб, бир гўзал,
Куйга тушар бор газал.
“Устозинг ким?” десангиз,
Уларнинг исми Гўзал.

Уйларида дуторлар,
Тўкиб турар савлатни.
Мақомни чалиб кезган,
Устоз ўн тўрт давлатни.

Бугун сизга эргашар,
Шогирдингиз Гуласал.
Менинг қалбимда яшар
Мумтоз наво ва газал.

Жаҳонни ром этган-ку,
Миллий мақом санъати.
Санъатда ҳам танилган,
Ўзбекистон давлати.

АЖДОДЛАР ЁДИ

Улуғ аждодларим эсладим бугун:
Увайсий, Нодира, Зебунисони.
Аждодлар номини кўтармоқ учун,
Пештахтага қўйдим қалам, сиёҳни

Улуғ Навоийга шараф ёгилган,
Мирзо Улуғбекни севган халқдир бу.
Уларнинг номини юракка жойлаш
Бугун ҳамма учун улкан бахтдир бу.

ДАВЛАТИМИЗ РАМЗЛАРИ

Ватанимиз тимсоллари,
Байроғи ва шони бор.
Унинг гўзал мадҳияси,
Бугдой, пахта, дони бор.

Хумо қушнинг орқасидан
Икки дарё оқади.
Сирдарё ва Амударё
Кўкда қуёш ёқади.

* * *

Дўстларингиз қувонч сари олиб кетсин,
Қайғу-алам ўша ерда қолиб кетсин.
Шодлик сиздан бир умрга қочолмасдан,
Бахт йўлида оёгингиз толиб кетсин.

Йўл бермангиз ҳеч қандайин армонларга,
Душманингиз чоҳларига қулаб кетсин.
Зор бўлсинлар ширин сўзу дармонларга,
Фаришталар омадингиз тилаб кетсин.

Бир умрга ёрингиз-ла бахтли бўлинг,
Дард, ҳасрат ҳам майли уйда қолиб кетсин.
Олам аро малика-ю подшо бўлинг,
Бор ниятлар Олоҳимга бориб етсин.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2016> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2016> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2016>